БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 66 (4165)
21 МАРТ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Зарбдор қурилиш одимлари

«Ҳамид Олимжон» бекатида

Тошкент метро қуриш трести коллективи ер ости йўли биринчи навбати иккинчи участкасининг ўрта бекатида сўнгги умумий қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини жадал суръатларда амалга оширишмоқда. Метрополитеннинг бу участкалари қурилиши шу йил август ойида тугалланиб, фойдаланишга топширилиши зарур. Бу эзгу мақсадга тезроқ етишиш учун метросозлар ишни мусобақа асосида ташкил этишиб, ички резервларни изчиллик билан қидириб топишмоқда, ишлаб чиқаришга илғор иш усулларини тинмай жорий этишяпти.

Трест бинокорлари ўртасидаги мусобақада «Ҳамид Олимжон» бекати қурилишида меҳнат қилаётган 3-қурилиш-монтаж бошқармаси пешқадамлик қилаётир. Коллективда ўз ишини яхши билган малакали метросозлар жуда кўп. Айниқса К. Цахоев, В. Сулимов, М. Қаршиев бошлиқ бригадаларда метросозликда бир неча ўн йиллардан бери ишлаб, ўз касбининг моҳир усталари номини олган қурувчилар кўплаб учрайди. Улар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда барчага ибрат кўрсатишмоқда.

Бекат қурилишида ёрдамчи пудратчилар унумли ишламоқда. 901-махсус қурилиш поезди, «Узэлектромонтаж» трестининг 1-Тошкент монтаж бошқармаси қурувчилари ҳам графикдан ўзиб ишлашга муваффақ бўлишмоқда.



Анвар Собитов агрегат заводидан саналади. У фрезерлик касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган. Бу нарса унга смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, аъло сифатли деталлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

СУРАТДА: зарбдор ишчи Анвар Собитов.

НАЗОРАТЧИЛАР ИШИНИ ЯНГИ САВИЯГА КЎТАРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Кеча шаҳар партия комитетининг мажлислар залида Тошкент партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонун асосида халқ контроли органларининг фаолиятини янада яхшилаш ва уларга партиявий раҳбарликни кучайтириш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги қарори талабларига кўра халқ контроли органларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди.

Тошкент сурункасига тўртинчи йил, деди у, Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби сифатида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг муваффақияти, шаҳар меҳнаткашларининг зарбдор ишлари ва юксак ижодий активликлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, шу жумладан салкам 50 минг кишилик халқ назоратчилари отрядининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир. Шуни айтиш кифоя, 1979 йилда шаҳар ва район халқ контроли комитетлари кўриб чиққан ҳар икки масаладан бири ишлаб чиқариш план ва топшириқларини бажариш, буюртмалар бўйича мажбуриятларни адо этиш, илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, иқтисод режимини кучайтириш билан боғлиқдир.

Кўрилган тадбирлар натижасида 89 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси, 16 минг тонна шартли ёнилғи, 134 минг гигакалорийдан зиёд иссиқлик, 5,5 минг тонна қора ва рангли металл, 5,6 минг тонна цемент, кўплаб ёғоч материаллари тежаб қолинди.

Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия съездлари, КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумлари ва қарорларини бажара бориб, халқ контроли органларини мустаҳкамлаш юзасидан кўп иш қилдилар. Назоратчилар фаолияти масалалари пленумларда ва партия активи йиғилишларида, шаҳар ва район партия комитетларининг бюроларида, бошланғич партия ташкилотларида муntазам муҳокама этиб бориляпти. Ҳамза, Куйбишев, Фрунзе, Ленин ва бошқа район партия комитетлари халқ контроли органларига партиявий раҳбарлик савиясини сезиларли даражада оширдилар.

Халқ контроли комитетлари группа ва постларининг сифат состави яхшиланяпти. Шаҳарнинг ҳар икки назоратчисидан бири ишчи, 31,3 проценти коммунист, 15,9 проценти ВЛКСМ аъзоси, 43 проценти хотин-қизлардир.

Бу ларнинг барчаси комплекс равишда Тошкент халқ контроли органларининг сезиларли даражада мустаҳкамланишига кўмаклашди. Ташкилий ишларни йўлга қўйиш яхшиланди, назорат қилиш практикаси янги тажрибалар билан бойиди. Шу билан бирга беш йилликнинг якунловчи йилида халқ контроли фаолиятини янги савияга кўтариш лозим.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов, Куйбишев район ижроия комитетининг раиси О. С. Расулов ва бошқалар ана шу ҳақда гапириб, беш йилликни муваффақиятли якунлаш юзасидан шаҳар халқ хўжалигининг барча тармоқлари меҳнаткашлари олдида турган вазифалар мураккаб эканлигини таъкидладилар.

Халқ контроли группа ва постлари план-топшириқларини бажариш устидан доимий назорат ўрнатишлари, бирлашма ва корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятига ишнинг кўзини билиб чуқур кириб боришлари, камчиликларнинг сабабларини ҳар томонлама таҳлил этишлари, уларга барҳам беришларн зарур.

Сўнгги пайтларда кўпгина халқ контроли комитетлари ва группалари асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш устидан назоратни сезиларли яхшиладилар. Масалан, Ҳамза район халқ контроли комитетида «Ташсельмаш» заводи, 1-уйсозлик комбинати, ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Комитет кўрган тадбирлар районнинг корхона ва ташкилотларида ҳали ўрнатилмаган дастгоҳлар миқдорини 85 минг сўмликдан зиёдга камайтириш имконини берди.

Шу билан бирга баъзи комитет ва группалар ишида ҳали принципиаллик ва қатъийлик етишмаётир. Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланишга етарлича эътибор бермаётирлар, дастгоҳ ва машиналарнинг бўш туриб қолиши ҳоллари, кўп, айниқса корхоналарда ускуналарнинг бўш туриб қолишига эътибор бермаслик ҳоллари оз эмас.

Халқ контроли комитети, группа ва постлари, «Комсомол прожектори» активистлари асосий ишлаб чиқариш фондларидан рационал фойдаланишга, ўрнатилмаган ва бўш турибқолаётган ускуналар ўз вақтида ишга туширилмаётганн сабабларини таҳлил этишга, хўжасизлик ва талон-тарожнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий зарба бериш чораларини кўришини маъмуриятдан талаб қилиш ва бунга эришишга даъват этилганлар.

Халқ назоратчилари буюмларнинг сифатини ошириш бўйича коллективда ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилишини муттасил текшириб боришлари, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортишлари лозим.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари халқ назоратчилари куч-ғайратларини транспорт ишларини, энг аввало бутун темир йўл ишларини такомиллаштиришга янада изчилроқ ва қатъият билан сафарбар этишлари зарур. Бу масала КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида таъкидланганидек, бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этяпти. Тошкент темир йўл узели барча кўрилаётган тадбирларга қарамай ҳали шаҳар талабига тўла жавоб бераяпти, деб бўлмайди.

Шаҳар пассажир транспорти ишидаги нуқсонлар ҳам кўпгина эътирозлар туғдиряпти.

Шаҳар халқ контроли комитети барча тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳарда транспорт ишини яхшилашга назоратчиларнинг актив таъсир кўрсатишлари юзасидан комплекс тадбирлар ҳақида ўйлаб кўриши керак.

Назоратчиларнинг муҳим вазифаларидан бири иқтисод режимини, моддий ва молиявий маблағлардан оқилона фойдаланишни изчил амалга оширишдир. Ўтган йили шаҳар ва район халқ назорати комитетлари ўнлаб корхоналарда ёнилғи-энергетика ресурслари ва бошқалар сарфини камайтириш юзасидан тадбирлар қандай бажарилаётганини текширди. Докладчи ва музокара қатнашчилари — «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари В. С. Гопаненко, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Е. И. Чуприн ва бошқалар таъкидлашганидек, текширишларга фақат группа ва постларгина эмас, балки мутахассисларнинг катта группаси, «Комсомол прожектори»нинг активистлари жалб этилдилар. Бу йўналишда Ленин, Фрунзе, Собир Раҳимов район халқ контроли комитетлари, тепловоз ремонти заводи, «Таштекстильмаш», «Миконд» ва бошқа заводларнинг халқ назоратчиларини анча самарали ишлашди. Халқ назоратчиларининг ёрдами билан ёнилғи-энергетика ресурсларини ортиқча сарф қилишга барҳам бериш бўйича 400 дан зиёд тадбирлар амалга оширилди.

Пойтахтда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликка тайёргарлик хом ашё, материал ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тежаш режимини кучайтириш шиори остида ўтмоқда.

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун курашда капитал қурилиш жуда катта аҳамият касб этади. Бунда халқ контроли комитетлари қурилаётган объектлар, биринчи навбатда эса турар жойлар сифатини яхшилашга асосий эътиборни қаратишлари лозим. Уйларни чала-чулпа топшириш практикасига қатъий барҳам бериш зарур. Бу камчиликларни йўқотишда қурилиш ташкилотлари халқ контроли группа ва постларининг роли бениҳоя каттадир. «Висотстрой» трести халқ контроли бош группасининг раиси В. В. Чурсин уларнинг иши ҳақида гапириб, шаҳарнинг йирик комплекси — «Халқлар дўстлиги» майдонини бунёд этишда назоратчилар иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

Тошкентликларнинг фаровонлигини ошириш савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ишларини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йилларида бу йўналишда кўпгина ишлар қилинди. Шу билан бирга шаҳар хўжалигининг бу муҳим тармоқлари фаолияти ҳали такомилга етишдан анча узоқдир. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг 10 процентга яқини товар оборотн планини муттасил уддалай олмаяпти. Чунки уларда аввалгидек хизмат кўрсатиш маданияти паст, харидор ҳақига ҳиёнат қилиш ҳоллари ҳукм суриб келяпти. Халқ контроли органлари бу борада муайян иш олиб бораётган бўлса-да, бу иш кўпинча юзаки қилиняпти.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — Собир Раҳимов район халқ контроли комитетининг ранси С. Р. Тиллаев, «Таштекстильшвейторг» халқ контроли группаси раиси З. А. Юсупова ва бошқалар ана шу ҳақда гапириб, савдо, хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги корхоналарида 687 та группа, 191 та пост иш олиб бораётганини, уларга 5380 халқ назоратчиси бирлашганини таъкидлаб ўтишди. Бироқ, йиғилишда яна шу нарса ҳам таъкидландики, шаҳар халқ контроли комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида иш олиб бораётган назоратчилар фаолиятини ҳали бўш йўналтиришяпти.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида қўйилган вазифалар ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида интизомни янада мустаҳкамлашни талаб этади. Ишларнинг аниқ ва бир маромда ташкил этилиши ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, давлат планларини муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини таҳлил этиш ва текшириш халқ назоратчилари ишининг муҳим соҳаси ҳисобланади. Улар тошкентликлар ўз хатларида кўтараётган масалаларни текширишга жуда катта эътибор беришга, шикоятларнинг келиб чиқиш сабабларига барҳам беришга даъват этишганлар.

Ҳозирги пайтда халқ контроли органлари ҳисобот ва сайловларга — муҳим ташкилий-сиёсий тадбирга тайёргарлик кўришяпти. Унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари келгусида назоратчилар фаолиятининг самарадорлигини ошириш группа ва постлар ишига кимлар бошчилик қилишига боғлиқдир.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг вазифаси халқ контроли органлари ишини пухта ташкил этиш, ҳисобот-сайлов кампаниясининг юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий савияда ўтишини таъминлашда, сайловдан кейин ҳар бир группа ва пост хўжасизлик ва дангасаликка қарши кураш, тежамкорлик, ишлаб чиқаришнинг барча резервларидан максимал фойдаланиш учун курашнинг ҳақиқий ташкилотчилари бўлишлари лозим.

Партия ташкилотлари, халқ контроли органлари ошқоралик воситаларидан кенг фойдаланишлари зарур. Уларнинг иши ҳамма вақт ойдин кўриниб турсин. Текшириш натижаларн эса ҳар бир кишига етиб борсин. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редактори С. М. Кароматов ана шу масалалар хусусида тўхталиб, халқ назоратчилари фаолиятини пропаганда қилишда матбуот, радио ва телевидение катта роль ўйнашини таъкидлади.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон пойтахтининг халқ назоратчилари партия ташкилотлари раҳбарлигида беш йиллик ва унинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тошкентликлар курашига ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар деб қатъий ишонч билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари И. Р. Арнаутов сўзга чиқди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ШАҲАР КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликка тайёргарлик ва уни ўтказиш штабининг раиси К. П. Дудин раислигида мазкур штабнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Шанбаликка тайёргарлик бўйича штаб фаолиятининг планн кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ленин, Чилонзор, Октябрь районларида меҳнат байрамига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлар тингланди. Ленин район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Федоринов, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. Х. Тошхўжаев ана шу ҳақда гапирдилар. Шуниндек, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг тадбирлари ҳам муҳокама этилди. Бу ҳақда бошқарма бошлиғи Ш. И. Исломов гапирди.

Мавжуд камчиликларни тузатиш бўйича тадбирлар белгиланди. Штабнинг ленинча коммунистик шанбаликка тайёргарлик бўйича матбуот маркази ташкил этилди.

БОШҚАРМА МАШЪАЛИ

Ленин ордени кавалери Тўлқин Самиғов бошлиқ бригадани 12-қурилиш трестида жуда ҳурмат қилишади. Тажрибали бинокор етанчилик қилаётган бригада аъзолари ҳар доим юксак сифат ва кўрсаткичга эришишга муваффақ бўлаётир. Ўнинчи беш йиллик бошида Г. Самиғов бригадаси бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга сўз берган эди. Коллектив ўтган йил. нинг бошида ўнинчи беш йиллик планини адо этди. Ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари айни кунларда «Халқлар дўстлиги» майдонида турар жой бинолари қурилишига катта ҳисса қўшишмоқда. Улар куни-кечагина 7-турар жой биносида умумий қурилиш-монтаж ишларини тугаллаганликлари ҳақида рапорт беришди.

Бригада қурувчилари 22 апрель — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача яна бир турар жой биносида умумий қурилиш-монтаж ишларини битказишга аҳд қилишган.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи билан Никарагуа Республикаси делегацияларн ўртасидаги музокаралар ҳақида ахборот эълон қилинган.

● Файласуф олимларнинг 20 март куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев мақолаларида ва нутқларида баён этилган талаблар асосида марксча-ленинча фалсафа ва илмий коммунизмга оид тадқиқотларни ривожлантириш вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда республика Фанлар академияси институтларининг илмий ходимлари, олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар ўқитувчилари ва кафедралари мудирлари иштирок этдилар.

● «Корхона паспорти»— «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

КУЧАТ ВА ЯШИЛ ТУСИҚ ЎТҚАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(биринчи устун—райончлар ва шаҳар ижроия комитети бошқармалари; иккинчи устун—ўтқазилган кўчатлар (минг туп); учинчи устун — ўтқазилган яшил тўсиқлар (минг туп); тўртинчи устун—планнинг бажарилиши (процент ҳисобида).

Собир Раҳимов	10,4	28,4	51,3
Киров	9,0	25,9	46
Куйбишев	10,3	23,5	44,6
Ленин	12,4	20,4	43,4
Чилонзор	6,5	24,5	41
Акмал Икромов	6,5	22,9	38,9
Октябрь	10,3	19,0	38,8
Фрунзе	7,8	19,8	36,8
Сергели	4,9	21,9	35,7
Ҳамза	5,6	12,9	24,5
Маданият бошқармаси	6,0	23,0	87,8
Халқ маорифи Бош бошқармаси	6,8	17,0	72,1
Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси	2,6	14,5	57
Сув хўжалиги бошқармаси	4,5	11,0	50
Уй-жой бошқармаси	3,5	12,0	46,9
Умумий овқатланиш бошқармаси	4,5	9,8	39,6
Савдо бошқармаси	3,0	8,0	35,4
Бошқармалар бўйича:	39,4	119,7	36,6
Шаҳар бўйича:	148,5	407,5	42,7

Маълумот шарҳи: шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Яшил тўсиқлар ва кўчат ўтказиш, микрохиёбонлар вужудга келтириш ишларини баҳор кеч келганига қарамай 1 апрелга қадар тугаллаш зарур. Юқорида келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, Ленин, Октябрь, Акмал Икромов, Сергели районлари ва шаҳар сув хўжалиги бошқармасининг меҳнат коллективлари ободонлаштириш ишларини жадаллаштирмоқда. Шу билан бирга кенг ободонлаштириш бошқармаси, ҳунар-техника таълими бошқармаси каби ташкилотлар ҳамон бу муҳим ишда қолоқликка йўл қўймоқдалар. Икки ойлик бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалда бажарилишини таъминлаш учун бу ташкилотларнинг раҳбарлари сусткашликка йўл қўймасликлари шарт.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БЕРЛИН.** Германия Демократик Республикаси (ГДР) ва «Машиноимпорт» бирлашмаси (СССР) вакиллари Ўртасида Лейпцигда бўлиб ўтган халқаро баҳорги ярмаркада битим имзоланди. Жами ГДРдан Советлар мамлакатига ҳозирнинг ўзидаёқ қарийб 23 минг темир йўл вагони етказиб берилди.

● ЛОНДОН. Буюк Британия бош министри М. Тэтчер парламентда сўзга чиқиб, агар Европа иқтисодий ҳамжамияти Буюк Британиянинг «Умумий бозор» бюджетига тўлайдиган взносини кескин қисқартириш тўғрисидаги талабини қондирмас экан, жамият фондига тўланадиган бир қанча тўловларни қисқартириш ниятида эканлигини айтди.

Англиянинг ана шу масала юзасидан тутган қаттиқ позицияси Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар, биринчи навбатда Франция ва ГФРнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Буюк Британиянинг бундай таҳдид қилаётганлиги «Умумий бозор»га аъзо бўлган мамлакатлар Ўртасида келишмовчиликлар кучайишига олиб келади.

● **АММОН.** Исроил маъмурлари Вифлеем шаҳри яқинидаги Ал-Хадир қишлоғидаги араб фаллоҳларига қарашли 94 гектар ерни мусодара қилдилар. Ана шу ерлар илгари мазкур қишлоқдан тортиб олинган 155 гектар майдонга қўшилади. Бу ерда ҳозир исроил. ликларнинг Эфрат деган манзилгоҳи барпо этилмоқда.

Ўтган ҳафтада Қудусда ана шу шаҳар чеккасидаги араб ерларидан 440 гектари ва Хеброн шаҳри яқинидаги 150 гектардан ортиқ ер мусодара қилинганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

● КОТОНУ. Савдосизликни тугатиш — Бенин халқи ўз давлатн мустақиллигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашининг таркибий қисмидир. Мамлакатда 80 проценти саводсиз бўлган бенинликлар ўқиш ва ёзишни ўрганишлари учун, улар янги жамият қуришга иложи борича кўпроқ ҳисса қўшишлари учун кўп иш қилинмоқда. Савдосизликни тугатиш миллий кампанияси даврида бенинлик хотин-қизларга савод ўргатишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Машғулотлар корхоналарда, уй-жой кварталларида, деҳқонлар орасида олиб борилмоқда.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти қошидаги «Халқлар дўстлиги» халқ университетининг ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг буюк донишманди Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг «Ёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш ва нашр этиш» секторининг катта илмий ходимлари иштирок этдилар. Филология фанлари доктори И. Абдуллаевнинг «Абу Али ибн Сино яшаган давр ва унинг ҳаёти», физика-математика фанлари кандидати А. Ахмедовнинг «Абу Али ибн Сино ва аниқ фанлар», филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳикматуллаевнинг «Абу Али ибн Сино—буюк табиб» мавзулардаги лекция-суҳбатлари тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

●

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан лекторлар куни ўтказилди.

Бирлашма меҳнатчилари ҳузурига Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг ходимлари келишди. Улар бирлашманинг цехлари ва участкаларида бўлиб, лекциялар ўқишди. «Тасвирий санъат асарларида В. И. Ленин образи», «Ленинчасига ишлайлик», «Ленин мукофотига сазовор бўлган рассомлар» мавзуидаги лекциялар тингловчиларга, айниқса, манзур бўлди.

Бугун

«Тошкент гуллари» фирмасининг ихтисослаштирилган магазинларида смородина кўчатлари ҳам сотила бошланди. Бу янгиликни фирма директори Лазиз Мухримов шарҳлайди:

— Шу ҳафтанинг душанба кунидан бошлаб мевали дарахт кўчатлари чакана савдосини ва ташкилотларга тарқатишни бошлаб юбордик. Ҳозиргача шафтоли, ўрик ва олча кўчатлари ҳамда яшил тўсиқ билан савдо қилган бўлсак, бугундан бошлаб ҳамшаҳарларимиз смородина кўчатларини ҳам харид қилиш имкониятига эга бўлишди. Яқин кунларда олма ва беҳи ниҳолларн сотила бошланади. Ана шу кўчатлар Фарғона ва Тошкентнинг мевали кўчатлар етиштирилувчи питомникларидан келтириляпти. Ҳозиргача 60 минг туп мевали дарахт кўчатлари олинди.

Кимки кўчат харид қилишни истаса, фирманинг Навоий театри майдони, Ленин проспекти, Инқилоб хиёбони, Шота Руставели кўчаси ва Олой бозоридаги ихтисослаштирилган магазинларига мароҳамат қилсин.

●

Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Гўзал» ансамбли санъаткорлари Тожикистон ССРга жўнаб кетишди.

Тошкентлик санъаткорлар қўшни республиканинг Душанба ва Ленинобод шаҳарларида бўлиб, ўн марта концерт кўрсатишади. Томошабинларга яхши таниш «Лазги» ансамбли эса куни кеча Туркманистонга жўнаб кетди. Коллектив ўзининг янги программасини Чоржўй шаҳрининг санъат ихлосмандларига намойиш этади. Яна бир коллектив — «Ер-ёр» ансамбли санъаткорлари эса шанба куни Сирдарё областининг Комсомол райони пахтакорлари меҳмони бўлади.



Шаҳримиздаги 3-босмахонада янги кас. сетали қадоқлаш машинаси ишга туширилди. У бир кунда 50—60 минг босма варақка ишлов беради. Натижада меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот сифати яхшиланди.

СУРАТДА: машинистлар А. Орлова ва И. Юсупова янги машинанинг ишини кузатишмоқда.


М. Нуриддинов фотолари.

Эртага

Ҳунар-техника билим юртлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг шаҳар кўриги бошланади.

«Меҳнатга шон-шарафлар». Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган кўрик ана шу шиор остида ўтказилади. Унда шаҳримиздаги барча 47 та ҳунар-техника билим юрти қошидаги бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирок этади.

Илгарги кўрикларда 5-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларидан ташкил топган «Ҳилола» ашула ва рақс ансамбли айниқса яхши қатнашган. Ансамблнинг ҳаваскор артистлари ўзларининг ижрочилик маҳоратларини ҳорижий мамлакатларда ҳам намойиш этишган. Кўрикда 57-ҳунар-техника билим юртида таълим олаётган вьетнамлик ёшларнинг фольклор ансамбли ҳам иштирок этади.



Яқинда ҳаваскор фотомухбир Қ. Исоқов Тошкентдаги агрегат заводида бўлиб, коллективнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада корхонанинг 20-цехи пешқадам ишчиларидан бири, коммунистик меҳнат зарбдори Анвар Ражабов тасвирланган. Узоқ йиллардан бери шу заводда унумли меҳнат қилиб келаётган бу ишчи ўзининг ҳалол меҳнати билан коллектив обрўсини қозонган.

• *Коммунистнинг шахсий намунаси*

Ишончни оқлаб

Ҳалол меҳнат қилиб, эл бойлигига бойлик қўшаётган, элга хизмат қилишни ўзининг инсонийлик бурчи деб биладиган кишилар ҳаётда сонсаноқсиз. Анатолий Никифорович ана шулардан бири.

... У ҳар кунгидек бугун ҳам эрта туриб, ишга отланди. Унинг одати ҳаммадан эрта келиб, иш жойини тозалаб, иш бошлайди. Бугун ҳам сафдошлари келганда, анча иш бажариб қўйганди.

Биз ҳикоя қилаётган бу ишчи «Узбекпроектмебель»га қарашли Тошкент тажриба техника заводи механика цехининг илғор слесари, коммунист Анатолий Никифорович Пилевдир. Мана, етти йилдирки, у шу даргоҳда слесарь бўлиб меҳнат қилиб келади.

У ёшларнинг меҳрибон мураббийси. Бутун меҳнат фаолияти давомида 15 дан ортиқ шогирд тайёрлади. Шогирдларнинг кўпи ўзи билан бир сафда меҳнат қилади. Биз унинг шогирди Раҳмонберди Исломов билан ҳам учрашдик.

— Мен дастлаб ишга келганимда касб ўргана олмай қийналгандим, — дейди у. ишлаган деталим кўпинча бракка чиқарди. Ўшанда кўп қимматли маслаҳатлар берган. Мен ундан жуда миннатдорман, ҳозир касбни яхши эгаллаб олишимда унинг ҳиссаси катта бўлди.

Пилев коммунистик меҳнат бригадасига бошчилик қилади. Унинг бригадаси шу кунларда 1981 йил январь ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Унинг ўзи эса кунлик нормани 120—130 процентдан бажаради.

— Сиз учун энг қувончли кун қайси? — деган саволимизга шундай жавоб берди:

— 1961 йили шонли КПСС сафига қабул қилинган куним. Мен ўзимнинг камтарона меҳнатим билан унинг сафида хизмат қилаётганимдан жуда бахтлиман. Ҳозир биз зарбдор вахтада туриб ишлаяпмиз. Биз асосан мебелларга, диванларга, стулларга ҳар хил қисмлар тайёрлаймиз.

Коммунист ҳалол меҳнати туфайли бир неча марта тақдирланган. Унинг кўксини «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Социалистик мусобақа ғолиби», «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишонлари безаб турибди. Моҳир ишчи планни ортиғи билан бажарибгина қолмай, сифатига ҳам катта эътибор беради. Иш вақтидан унумли фойдаланади.

Анатолий Никифорович актив жамоатчи ҳам. У район Советининг депутати сифатида ишчиларнинг наказини бажарди, жумладан кўпгина ишчиларнинг уйини ремонт қилиш, райондаги бир неча кўчаларни асфальтлаш ишларида бошқош бўлди.

Завод партия ташкилотининг секретари Винямин Курочкиндан илғор ишчи ҳақида сўраганимизда шундай деди:

—Ҳар бир ишчи ўрнак олса арзийдиган, ростгўй, камтарин, ширинсўз киши. Механика цехида партия группасининг етакчисидир. Ҳеч кимдан ўз ёрдамини аямайди. Айниқса, ишга янги келган ёшларга қунт билан ўз касбини ўргатади. Унинг меҳнатда эришаётган муваффақиятлари ҳаммамизни қувонтиряпти.

Биз ҳам унинг келажак ишларида янги ютуқлар тилаймиз.

С. МУСАЕВ.

• *Турли касб эгалари*

Эл хизматида

11-маршрутда қатновчи трамвай вагони шаҳримизнинг Шота Руставели кўчасидан равон юриб бормоқда. Йўловчиларнинг юзларида табассум. Уларнинг бундай ширин кайфиятига вагон ҳайдовчисининг салон бўйлаб янграётган ширали овози сабаб.

— Мен ишга бориш ё қайтишда шу ҳайдовчи бошқараётган трамвайга тўғри келиб қолсам, ниҳоятда қувониб кетаман, — дейди йўловчи Ғуломқодир ака Исажонов. Кун бўйи руҳим тетик, ишимда унум бўлади. Барака топсин.

Йўловчиларнинг бу дил сўзлари 11-трамвай маршрутида намунали хизмат кўрсатаётган 2141-вагон ҳайдовчиси Ҳакимжон Содиқхўжаев ҳақида. Бежирим иш формаси ўзига ярашиб турган, кўксида 1979 йил «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони порлаб турган бу илғор ҳайдовчи хизматидан у меҳнат қилаётган 2-трамвай депоси коллективи ҳам, йўловчилар ҳам беҳад мамнун.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

• *Конвертларни очганда*

Йўловчини ҳам ўйланг

Шаҳримизнинг кўпчилик транспорт бекатлари йўловчи учун қулай эмаслиги бизни таажжублантир а д и. Масалан, Чилонзордаги Оқтепа майдони биқинида жойлашган 22-поликлиника бекати чорраҳанинг шундайгина ёнида жойлашган бўлиб, йўловчилар учун жуда хавфли.

Мўқимий кўчасидаги трамвай бекатларининг кўпчилигида ҳам ҳимоя тўсиқлари йўқ. Бундан ташқари, Олой бозори ва Эркин посёлкаси оралиғида қатновчи 57-экспресс автобуси метронинг «В. И. Ленин майдони» станциясидан ўтади-ю, аммо бу ерда тўхтамайди. Натижада бу автобусда қатновчи жуда кўплаб йўловчилар метрога тушиш учун округ офицерлар уйи бекатидан ёки «Мовий гумбазлар» кафеси ёнидан деярли бир километр йўл босиб келишга мажбур бўлишмоқда.

«Главташпа с с а автотранс» раҳбарлари бунга аҳамият беришса биз йўловчилар учун қулай бўларди.

Н. БОБОЖОНОВ,
хизматчи.

• *Маҳаллада нима гап?*

Яшил зона керак

Бинокорлар «Марказ—27» кварталн аҳолиси учун туҳфа тайёрлашяпти. Хотинқизлар клуби, чойхона, маҳалла комитети хоналари, тўй-ҳашамларга мўлжалланган катта ойнаванд заллардан иборат бўлган иншоот қурилаётганлигидан ҳамма миннатдор.

— Энди жуда яхши бўлди, — дейди республика миқёсидаги шахсий пенсионер Сабайдулла ака Муҳамедов. — Маҳалламизда тўй-ҳашамларни энди бемалол қишин-ёзин ўтказаверамиз. Лекин «Марказ—27» турар жой кварталн территориясида яшил зона йўқлиги аҳолини ташвишлантирмоқда.

— Менинг тўрт фарзандим бор, — дейди Муҳаббат Тўлаганова. — Болаларимдан иккитаси боғчага боради. Иккитаси эса ҳали жуда ёш. Болаларни очиқ ҳавога олиб чиқиб туриш керак. Лекин жазирама ёз кунлари уйларимиз қизиб кетган пайтларда қаерда ҳордиқ чиқаришни билмайсан киши. Агар яшил хиёбонлар бўлса, болаларимиз учун ҳам, ўзимиз учун ҳам кўнгилдаги иш бўларди.

— Яшил зона учун марказимиз территориясида жой етарли, — дея суҳбатга қўшилди 2-уйда истиқомат қилувчи медицина фанлари доктори Нозим ака Зокиров. — Шундоққина уйимизнинг қаршисида жуда катта майдон бўш ётибди. Ваҳоланки, шу ерда аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқариши, энг муҳими, ўз саломатлигини тиклаш учун катта боғ ташкил қилиш мумкин.

Намунали уйлардан ҳисобланган 2-уй хотин-қизлар советининг раиси, химия фанлари кандидати Қумри Содиқова бу хусусда шундай деди:

— Дарҳақиқат, бу ерда яшил зона ташкил этиш лозим. Бунинг учун маҳалла аҳлига Октябрь район Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармаси яқиндан ёрдам бериши зарур.

Ҳа, Тошкентимизни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришимиз йўлида белгиланаётган тадбирлар, кишиларимизнинг қимматли таклиф ва ташаббуслари албатта амалга оширилади. Чунки ҳалқ фаровонлиги Ватанимиз сиёсатининг негизидир.

Ё. АКРАМОВА.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. ЎРОЛОВ: Студентлар поезд ва самолёт билетларини олишда имтиёзли тарифдан фойдаланишади. Айтингчи, шаҳарлараро қатновчи автобусларда ҳам студентларга шундай имтиёзлар бериладими?

Жавоб: Амалдаги тартибларга мувофиқ республикамиз территориясида қатновчи шаҳарлараро автобусларда юриш учун олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларининг студентларига бундай имтиёзлар кўзда тутилмаган. Аммо шаҳар ичида қатновчи пассажир транспортида улар ойлик абонемент билети сотиб олишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

∴ ∴ ∴

Ш. МИРЗАЕВА: Биз уйимизга шаҳар тармоғидан фойдаланиб ишлайдиган радиоточка ўрнатмоқчи эдик. Айтингчи, бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Шаҳар радиоузелига буюртма берсангиз, монтёрлар келиб уйингизга радиоточка ўтказиб беришади. Бунинг учун шаҳар марказидаги Сулаймонова кўчасининг 31-уйида жойлашган шаҳар радиоузелига мурожаат қилинг. Буюртмалар 33-17-10 ёки 33-42-28 телефонлари бўйича ҳам қабул қилинади.

∴ ∴ ∴

А. ЖАМОЛОВ: Тикув машиналарини тузатиб берадиган устахона қаерда жойлашган? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Бу устахона пойтахтимизнинг Ленин районидаги Весна кўчасининг 223-уйида жойлашган. «Техсложбитприбор» бирлашмасининг усталари бу ерда турли хил рўзғор техникаси ашёларини ремонт қилиб беришади. Устахонага 10 ва 7-трамвайда борилади. Бундан ташқари 91-05-32 телефони орқали кўнғироқ қилиб, уйингизга уста чақиришингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

К. МИРСОДИҚОВ: Автомобилларни ремонтдан чиқарадиган слесарлик касбига қизиқаман. Шу касбни қаерда ўрганиш мумкин?

Жавоб: Шаҳримизда автомобиль ремонти корхоналарида ишловчи кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртлари мавжуд. Шундай ҳунар масканларидан бири 40-техника билим юртидир. У шаҳримизнинг Луначарское шоссесидаги 69-уйда жойлашган. Билим юртини тугаллаган ўқувчиларга автомобиллар ремонти ишлари бажариладиган устахоналар ва авторемонт корхоналарида ишлашга йўлланма берилади. Бу ерда улар ҳунар билим юртида олган назарий билимларини практикада мустаҳкамлайдилар.

∴ ∴ ∴

М. ИСАЕВА: Шаҳримизда бухгалтерлар тайёрлайдиган махсус курслар бор деб эшитдим. Иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ҳисоблаш хизматчиларн тайёрлайдиган Тошкент область ўқув комбинати бўлиб, бу ерда бухгалтер кадрлар тайёрланади. Бу ўқув комбинати Луначарское шоссесидаги 42-уйда жойлашган. Ўзингизни қизиқтирган масала ҳусусида шу ўқув комбинатига мурожаат қилишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

Ш. АЛИЕВ: Спортнинг самбо тури билан шуғулланмоқчи м а н. Шаҳримизда шундай мактаб борми?

Жавоб: Сергели районида махсус спорт мактаби бор. Ана шу ерда спортнинг самбо турини ўрганиш мумкин. Лекин шу мактабга мурожаат қилишдан олдин Сиз ўзингизнинг соғлигингизни текширишингиз ва бу ҳақда врачларнинг медицина хулосасига эга бўлишингиз керак.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН
Тошкент оқшоми
ХАТЛАР

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

Ибрат бўлишяпти

Ташаббускор Ленин райони меҳнаткашлари ободонлаштириш икки ойлигида актив иштирок этиб, территорияларни тартибга келтириш ишларини жадал олиб бораяптилар. Район ободонлаштириш бошқармаси томонидан Новий путь кўчасига минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Қўйлиқ массиви ҳамда Чирчиқ соҳилида ташкил қилинган янги дарахтзорга ҳам қайғоч, дуб дарахтлари экиляпти.

Райондаги Сарикуль маҳалласи аҳли кўчат ўтказиш икки ойлигида актив иштирок этмоқда. 19 апрель—коммунистик шанбалик кунигача Лазо кўчасининг 1-проездига дарахт кўчатлари ўтказиш, Новий путь кўчаси, унинг учта проезди ҳамда Самолётний, Манжара, Гайдар проезди, С. Лазо кўчаларини кўркамлаштириш ишлари амалга оширилади. 3 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ экилиб, 3 километр миқдорда сув йўллари тозаланади.

И. РУСТАМОВ,
ишчи.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

Беморлар қийналмасин

Чилонзор районидаги 1-Чарх-Камолон маҳалласига кўп йиллардан буён 29-поликлиника хизмат қилиб келарди. Яқиндан бошлаб эса бу маҳалла Чилонзордаги 24-поликлиникага биркитиб қўйилди. Эндилиқда Чилонзордаги 24-поликлиникага бориш учун кексалар, ногиронлар, касаллар ва тез ёрдам кўрсатиш лозим бўлган беморлар роса қийналишмоқда.

Ахир шундайгина маҳалла ёнида 29-поликлиника бўла туриб, аҳолини жуда олисдаги поликлиникага биркитиш нима учун зарур экан? Бундан кимга фойда, кимга зиёнлигини Чилонзор райони соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари яхши билсалар керак. Район халқ депутатлари Совети ва соғлиқни сақлаш бўлими оқилона иш тутиб, 1-Чарх-Камолон маҳалласи аҳолисини ўзларининг илгариги 29-поликлиникасига биркитсалар, беморлар кўп қийналишмаган бўларди.

А. НОСИРОВ,
пенсионер.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Кўча нега қаровсиз?

Чилонзор районидаги «Чилонзор» маҳалласининг Журнальная 5 ва 6-проездларига ташриф буюрган киши бу кўчанинг қаровсизлигини кўриб ҳайрон қолади. Чунки маҳалла чиройли, кўчалари кенг. Аммо кўчалар асфальтланмаганн учун қиш-қировли кунларда бошимиз лойдан, ёзда чангдан чиқмаяпти.

Бундан олти йил олдин йўл ремонт-қуриш бошқармасининг ишчилари кўчаларимизнинг ярмисини асфальт қилишди-ю, қолганини шундайлигича ташлаб кетишди. Шу-шу ҳамон аҳоли лой ва чангдан қийналмоқда. Наҳотки, Чилонзор район ижроия комитети раҳбарлари бу кўчани ободонлаштиришни унутишган бўлишса?!

И. ЗОИРОВ,
ишчи.

РАССОМ ШАРҲИ

АМАЛИЙ ИШ ҚАНИ?



«Марказ—26» кварталидаги 14-уйнинг 20, 12, 27 ва бошқа квартираларига борган киши хоналарда қатор-қатор бўлиб турган чакка йиғувчи тоғораларни кўради. Бу уйнинг фойдаланишга топширилганига уч йилдан ошяпти. Аммо Октябрь район уй-жой қурилиш кооперативи раҳбарлари бино томидан ўтадиган чаккани тўхтатишнинг бирон чорасини ҳалигача топганлари йўқ. 14-кооператив бинода истиқомат қилувчилар эса уларнинг амалий иш ўрнига ваъда устига ваъдасини эшитишмоқда. Албатта, қуруқ ваъда билан чакка ўтишини тўхтатиб бўлмайди.

Октябрь район уй-жой қурилиш кооперативи раҳбарлари бунга нима деб жавоб бераркинлар?

С. ҒАФУРОВ.
ишчи.

Шаҳримиздаги 2-пойафзал фабрикаси коллективи аҳолига кўплаб сифатли пойафзаллар етказиб беришга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: фабриканинг 1-цехи илғор бичувчиларидан (чапдан-ўнгга) Виктория Азегова, Галина Крилова, Клавдия Степановаларни кўриб турибсиз.

И. Шоннағомов фотоси.



Улуғ Ватан уруши тарихи саҳифаларини варақлаб туриб, шу сатрларни ўқидим: «Бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йил. Уруш туфайли фашистлар вақтинча босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан болалар фронт орқасига эвакуация қилина бошланди. Ўзбекистон ўшанда 200 минг болани қабул қилиб олди, улар учун 364 болалар уйи ташкил этилди. Бу масала билан Иўлдош Охунбобоевнинг ўзи шуғулланди...»

Шунча бола-я! Киши қалбини ларзага солувчи бу воқеа рўй берганига 39 йил бўлаяпти. Бу борада қанчадан-қанча фасллар бир-бирини қувиб ўтди. Лекин инсон ҳаёти изсиз йўқолмайди-ку. Шундай экан ўша эвакуация қилинганлар тақдири нима бўлди?

— Сиз излаётган Мая Александровна ҳозир ўнинчи синфда ўзбек адабиёти фанидан дарс ўтаётир,—дейишди менга Чилонзор районидаги 128-мактабдагилар. Рус қизи ўзбек тили адабиётидан?! Қизиқсиниб муаллима машғулот ўтказаётган синфга яқинлашдим. Эшик қия очиқ бўлгани учун синфдаги гаплар бемалол эшитиларди. Бугунги дарс Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида» шеъри устида борарди. Муаллима на фақат шу шеър ҳақида, балки Совет замонасининг оташин куйчиси, коммунист-санъаткор, Ленин мукофотн лауреати Ғафур Ғуломнинг улкан адабий мероси ҳақида гапирарди.

—Адабий ҳаёт қайнаган 30 йилларнинг ўрталарида,— сўзларди муаллима соф ўзбек тилида, — Ғафур Ғулом инқилобий шеъриятимизнинг Ҳамзадан кейинги байроқдори бўлиб майдонга чиқди. Унинг «Турксиб йўлларида» номли ҳайқириқ манзумаси ўзбек совет адабиётида воқеа бўлибгина қолмасдан балки янги публицистик йўналишнинг қалдиргочи бўлиб парвоз этди.

Хуллас, муаллима ўзбек шеъриятини поғонама-поғона жаҳон минбарига кўтарган Ғафур Ғуломнинг қолдирган битмас-туганмас хазиналари билан ўқувчиларни ҳозирча қисқагина воқиф қилиб, «Турксиб йўлларида» шеърини ёддан ўқиб келишни вазифа қилиб топширди.

Муаллима билан ўқитувчилар хонасида суҳбатлашдик. У мақсадимизни дарҳол англади ва воқеани бир бошдан бошлади:

• *Биз — ватанпарвар-интернационалистларимиз*

ТУТАШ ТАҚДИР

—Биз ўзбек оналарига, ўзбек халқига бир умр миннатдорчилик изҳор қиламиз. Улуғ Ватан урушининг ўша даҳшатли йилларида ўзбек хонадони рус демай, украин демай, белорус, ҳатто немис демай барига олди, тарбия қилди. Биз ўзбек хонадонининг иссиқ ўчоғидан ўзимизга қўр топдик, ардоғидан меҳрга қондик...

Уруш бошланганда Мая уч ёшда эди. Ватан ҳимоясига отланган отаси бедарак кетгач, Оренбург областидан Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар қатори Хатирчи районида, болалар уйига жойлаштирилди. У меҳрли сўзлар ардоғида вояга ета бошлади. Мактаб ёшига етгач, шу райондаги 4-ўзбек мактабига қадам қўйди, аъло баҳолар билан 1956 йилда ўнинчи синфни тамомлади. Ўзбек халқига бўлган чексиз муҳаббат, буюк алломалар Навоий ва Ҳамза, Фурқат ва Муқимий, Ғафур Ғулом ва Ойбек каби забардаст адиблар ижоди ҳамда улар тилига бўлган қизиқиш уни илм чўққилари сари етаклади. Ўзбекистон қуёши остида, ўзбек оналарининг иссиқ ҳароратида камол топган рус қизи педагог бўлишни, тарбия топган жойида тарбиячи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У 1961 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаб, ўзбек тили ва адабиётн ўқитувчиси бўлди. Шу йилн ўз курсдоши, бугунгурлик Дўнабой Маматовга турмушга чиқди. Орзулари ушалган икки ёш педагог ўз меҳнат фаолиятларини райондаги ўрта мактабдан бошладилар. Ўз устида мустақил иш олиб борган Дўнабой Маматов кўп ўтмай Тошкент Халқ хўжалиги институтига таклиф этилди. Оила Тошкентга келди. Дўнабой институтда фалсафадан дарс бера бошлади, Мая Маматова ўз севган касбини биз юқорида номини тилга олган мактабда давом эттирмоқда.

Тақдир туташтирган бу оиланинг тўрт фарзанди бор. Энг катта сн Алишер Тошкент Халқ хўжалиги институтининг 1-курс студенти, Тўлқин 10-синфда, Гулнора эса Глиэр номидаги музика мактабининг 8-синфида, кенжатой Анвар рус мактабининг 4-синфида ўқияпти.

Ёшларни дўстлик кўпригидан етаклаб, вояга етказаётган оила бошлиқлари Дўнабой билан Мая уйда болаларнинг меҳрибон ота-оналари, маҳаллада жамоатнинг яқин ёрдамчиларидир. Улар маҳаллада янги анъаналарнинг актив иштирокчиси, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ўртасида дўстлик, камтарлик, хушмуомалалик, самимийлик каби юксак инсоний туйғуларни тарғиб қилаётган кишилардир.

—Мая Маматовдан кўп нарсани ўрганса бўлади,—дейди мактаб директори Шоазиз Шоҳакимов. Бу тинибтинчимас, ишчан, меҳнатсевар, ўз касбига ихлосли, пок қалб муаллима ёш педагогларимизга фақат назарий-методик маслаҳатлари билан эмас, амалий иши билан ҳам катта ёрдам кўрсатиб келаётир. Бу заҳматкаш педагог ўзбек ва рус тиллари грамматикасини ҳам, жонли ва адабий сўзлашув тилини ҳам мукаммал эгаллаган. Ҳатто, мактабни битириб кетиб ҳам бу педагогдан консультация-ёрдам олаётган йигит-қизлар беҳисоб.

Мен директорнинг муаллима ҳақида тўлқинланиб гапираётганини тинглар эканман, ҳаёл, шарафли, сиғдиқидилдан қилинган меҳнат кишига қанчалик ҳурмат-эътибор, обрў бағишлашини қалбдан ҳис этдим.

Мактабдан қайтар эканман, Мая Александровна Маматованинг боя қилган суҳбатимиз давомида айтган гапларини яна бир бор эсладим.

—Ёш авлодни ўқитиш-тарбиялаш бу давлат аҳамиятига эга бўлган иш. Халқ, партия шунчалик масъулиятли ишни бизга ишониб топширган экан, демак, биз бу вазифани чуқур ҳис этиб, катта масъулият сезиб, ишлашимиз керак.

Муаллима ҳақ гапни айтди.

Куни кеча унинг биографиясида яна бир янги саҳифа очилганлигини эшитиб қолдим. Меҳрибон, меҳнаткаш мураббий мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланибди. Бу унга бўлган юксак ишончдир.

Р. ПЎЛАТОВ.

ҚОҒОЗДА КЎКАРГАН ДАРАХТЛАР

... Бир куни подшоҳ Афандини саройга чақириб, бир неча қийин саволлар билан уни мот қилмоқчи бўлибди. Афанди ҳам шошиб қолмабди. Дадил жавоблар билан шоҳнинг ўзини мот қилибди.

—Хўп, афандим,— дебди шоҳ. — Сизга охирги савол: Айтингчи, осмонда қанча юлдуз бор?

Мулла Насриддин бироз ўйлаб туриб, шундай дебди:

—Менинг соқолимда қанча тук бўлса, осмонда ҳам шунча юлдуз бор.

Подшоҳ Афандининг зукколигига тан бериб, унга ҳар хил инъомлар берган экан. Чунки ҳеч ким соқолни ҳам, юлдузларни ҳам санашнинг уддасидан чиқолмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Бу бир латифа. Аммо айрим ташкилот раҳбарлари ҳозирги кунда ҳам Афандининг жавобини такрорлаб туришади.

— Ўн минг туп кўчат ўтқазилди...

— 200 машина тупроқ ташилди.

— 3 километр йўл асфальт қилинди...

Қани, уддасидан чиқадиган одам бўлса, тўғри ёки нотўғрилигини исботлаб кўрсин. Агар қоғоздаги рақамларга ишонадиган бўлсак, ўтқазилган кўчатлардан аллақачон шаҳримиз қалин ўрмонзорга айланар, ташиб кетилган тупроқлардан эса шаҳар ўрни чуқур ҳовузга айланган бўлур эди. Ҳайриятки, буларнинг барчаси қоғозда...

Лекин ҳисобдон, синчков одамлар ҳали ҳам бор экан. Редакциямизга 2-Қорасув массивида яшовчи Қосим Тошпўлатовдан келган хат бу фикрни тасдиқлайди. У шундай деб ёзибди: «Бизнинг массивдаги уйлар ёнига ўтган йилнинг кузида 240 туп можжевельник кўчати ўтқазилди. Қаровсизлик, нотўғри эқилганлиги туфайли уларнинг бирортаси ҳам ўсмади. Агар ҳар битта дарахтни 20 сўмдан ҳисобласак, давлатнинг 4800 сўм пули кўкка совурилди. Яна бир мисол. Массивдаги 231-болалар боғчаси ёнидаги йўлкалар қуда сифатсиз қилинган. Бу ерда ҳар доим сув тўпланиб қолади. Яқинда боғча атрофида қурувчилар қазиш ишлари олиб боришди. Шунда 200 метр узунликдаги цемент ариқчалар бузиб ташланди. Агар ҳар куб темир-бетон 40 сўмдан деб ҳисобласак, 400—500 сўм маблағ йўқ қилинди. 1977 йили Хушҳаво кўчасида қурувчилар канализация трубаларини ташиш учун темир-бетон плиталари ётқизишган эди. 1979 йилда ишлар тугалланган, 200-300 метр оралиқда бундай плиталар тупроқ ва шағал остида қолиб кетди. Улар қолган ерда энди бирорта ҳам дарахт ёки яшил тўсиқ экиб бўлмайди. Бир кубометр темир-бетон плитани 60 сўмдан ҳисобласак, 18 минг сўм давлат маблағи яна ҳавога учиб кетди. Электр кабель ўтказиш учун қазилган зовурга эса беш ой бўлди. Бу вақт мобайнида фақат беш-олтита сим ёғоч ўрнатилди, холос. Кўчанинг кўринишн бузилди, тротуарлар шағал ва тупроқ остида қолиб кетди. Одамлар асабига етган зиённи эса, афсуски, рақамлар билан ифодалаб бўлмайди...

Газетхон Қ. Тошпўлатовнинг мактубида келтирилган қизиқарли ҳисоб-китоблар ортиқча изоҳ талаб этмайди. Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси, шаҳар ёрнтиш идораси ҳамда «Главташкентстрой» раҳбарлари бу мактубда келтирилган рақамлар билан бир қизиқишса, ёмон бўлмасди.

ВАЪДАНИ ТОМОША ҚИЛИБ БЎЛАДИМИ?

Ҳамшаҳримиз Н. Абдураззоқов н н г «Горизонт—206» маркали телевизорн тўсатдан кўрсатмай қолди. У 21 февраль куни Ленин районига қарашли «Зангори экран» ателъеси бўлимига мурожаат қилди.

— Хотиржам бўлаверинг, ҳозиргина заводдан чиққандек қилиб берамиз, — дейишди унга устахонада.

Н. Абдураззоқов ремонт учун 15 сўм 60 тийин тўлаб, усталар айтганидек «хотиржам» уйига жўнади.

Телевизорга жуда ўрганиб қолишган экан. Ўйидагилар «қачон олиб келасиз» деб сўрашган-сўрашган. Ўзига ҳам нимадир камдек. Дунё воқеалари, кундалик янгиликлар, ишдан чарчаб қайтганида ором бағишлайдиган томошаларсиз анча зерикиб қолди. Газета ҳам, китоб ҳам унинг ўрнини босмас экан. «Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши» деган мақол гўё телевизор тўғрисида айтилгандек.

Белгиланган муддатни сабрсизлик билан кутди. 6 март куни устахонадан хабар олди.

— Телевизорингиз тайёр, байрамда болаларни хурсанд қиладиган бўлдингиз,— деди усталардан бири, — кира ҳақини тўласангиз бас, ўзимиз олиб бориб жойига ўрнатиб берамиз.

Усталарнинг хушмуомалалигидан хурсанд бўлган Н. Абдураззоқов йўл ҳақини тўлаб, уйига қайтди. Бу хабарни эшитган онла аъзолари ҳам хурсанд бўлишди. Дарров программани олиб, байрамда кўрсатиладиган томошаларни аниқлай бошлашди.

— Байрам концерти жуда зўр экан...

— Янги кино ҳам бор экан.

Шу куни тушдан кейин соат тўртларда телевизорни олиб келишди. Уч азамат уни жойига ўрната бошлади. Ўрнатиб бўлиб, қулоғини бураши. Аммо ҳеч нарса кўринмади. Учовлашиб гоҳ у ёғини, гоҳ бу ёғини титкилашди. Фойдаси бўлмади.

— Сиз хотиржам бўлаверинг, байрамда албатта телевизорингизни томоша қиласиз. Биз керакли асбобларни олиб, ҳозир қайтиб келамиз, — дейишди ремонтчилар кетаётиб.

Аммо кечгача улардан дарак бўлмади. Эртаси куни Н. Абдураззоқов яна устахонага борди.

— Ия, ана холос, ишламади денг, ҳозир усталарни юборамиз. Бир пасда янгидек қилиб беришади. Сиз хотиржам бораверинг.

Афсуски, ремонтчилардан яна дарак бўлмади.

«Хуллас, байрамда телевизорни томоша қила олмадик, — деб ёзибди редакциямизга Н. Абдураззоқов, — ҳамон усталардан дарак йўқ. Уларга бир неча бор мурожаат қилдим. Ҳар сафар қуруқ ваъдалар билан қутулишади. Телевизорнинг кўпгина мурватлари суғуриб олинган, «предохранители»ни эса симдан ясаб қўйишибди. Наҳотки, бу бепарво, ваъдабоз усталарни тартибга чақариб қўядиган киши бўлмаса».

Ўйлаймизки, шаҳар «Зангори экран» ишлаб чиқариш бошқармаси бунинг сабабларини аниқлайди. Усталарга эса қуруқ ваъдани томоша қилиб бўлмаслигини тушунтириб қўяди.

ҲУШЁРБЕК.

Ҳамкасаба қуясиз
Тошкент оқшоми
2
21 МАРТ, 1980 й.

Тошкент тарихидан

100 лавҳа

БОШ ВИСТАВКА ҲАҚИДА

48-лавҳа

Бизга чет эллик меҳмонлар кўп келиб туришади. Ўзининг самимий меҳмондўстлиги билан донг қозонган Тошкент ҳар куни жаҳоннинг турли мамлакатларидан ўнлаб делегацияларни, туристик группаларни кутиб олади. Олис ўғил босиб келган меҳмонларга ўзбек тупроғининг барча гўзаллигини, унинг бепоён бойликларини, бу шаҳарда яшаётган кишиларнинг меҳнатсеварлигини намоён этиш осон эмас.

Янгирик шаҳарни айланиб чиқишга бир кун тугул, ҳатто бир ой ҳам етмайди. Ахир, республикамиз гарбдан шарққача салкам бир ярим минг километрни ташкил этганда! Меҳмонларни ғоят қисқа муддатда Бекобод металлургиялари ва Газли газчилари фидокорона меҳнати билан таништириш, уларни Наманганнинг атласи гиламлари билан ёки Самарқанд қоракўлининг товланиши билан таништириш, мамнун этишнинг ўзи бўладими! Бизнинг бутун ҳаётимиз, муваффақиятларимиз, оддий кунларимиз ва байрамларимиз, режаларимиз ойдин акс этган сеҳрли кўзгуни қаердан топишимиз мумкин?

Бахтимизга, шаҳримизда ана шундай кўзгу бор. Унга бир назар ташлаб бутун республикамизни ойдин кўриш мумкин. Унинг юзта шаҳрининг ҳар бирига боқиб, унинг ҳар бир корхонаси, хўжалигида ўлкамиз нимаси билан машҳурлигини кўрасан, киши. Бундай кўзгу жойлашган ер Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидир.

Меҳмонларга бу ерда сўнгги 60 йил ичида Ўзбекистон қанчалик яшариб кетганлиги ҳақида узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Ўнлаб корхоналар, сув омборлари, электр станцияларни санаб ўтиш, қанча олим ва инженер борлигини айтиш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ҳажми ҳақида аниқ рақамлар келтириш мумкин... Ёки трактор ҳамда... самолётни кўрсатиш мумкин.

Ҳа, республикамизда трактордан тортиб самолётгача ишлаб чиқарилади. Шунинг ўзиёқ барча сўз ва рақамлардан кўра кўпроқ нарсани ҳикоя қилади. Жаҳондаги ҳар бир мамлакат ҳам трактор ва самолёт тайёрлайвермайди.

Виставканинг асосий мақсади сўз билан изоҳ этиб бўлмайдиган нарсаларни кўрсатишдир. Мирзачўл ковунининг муаттар ҳидини ёки Наманган олмасининг қирмизи рангини, қишлоқ хўжалиги павильонини безатиб турган бу меваларни тавсиялашга сўз тополмайсан, киши. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш», экскаватор, Самарқанд лифтсозлик, Қўқон суперфосфат заводларининг маҳсулотлари изоҳга муҳтож эмас.

Республикамизнинг бош виставкасига саёҳат қилиш фақат меҳмонларгагина эмас, республикамиздаги барча катта-ю кичикка ҳам қизиқарлидир. Ахир, ҳар куни бир-биридан қувончли хабарлар келиб турибди-да. Янги корхона ишга тушадими, янги маҳсулот ишлаб чиқариладими, янги каналга сув очиладими — ҳаммасининг хушхабари келиб турибди. Республикамизнинг ҳар бир куни шунчалик бойки, унинг муваффақиятларини қайд қилишга гоҳида улгуролмай ҳам қоласан. Барча янгиликлар ҳақида виставкадан билиб олиш мумкин. Виставка залларига ўнгг олишдан аввал унинг тарихига бир назар ташлайлик. Бу унчалик қийин эмас. Революция хиёбонини айланиб ўтишнинг ўзи кифоя қилади.

Бу ерда бўлган ҳар бир киши шаҳримизнинг бу мўъжазгина бурчагида Карл Маркс ҳайкали рўпарасидаги гуллар павильонини яхши билади, албатта. Шарқ услубида қурилган бу павильон 1890 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги виставкаси қатнашчиларидан бири — савдогар Филатовнинг павильони бўлган. Бундай виставкалар Тошкентда 1878 йилдан қурила бошлаган. Аввалари бундай виставкаларда фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш қилинган бўлса, кейинчалик унинг экспозициялари кенгайиб ҳунармандлик, фабрика-завод, саноат бўлимлари пайдо бўлди. Замондошимизнинг хотирлашича, Туркистоннинг Россияга қўшилишининг 25 йиллигига бағишланган, 1890 йилда ташкил этилган виставка анча қизиқарли бўлган.

Албатта, бу ўша давр учун мўътабар виставка эди. Унда чиройли безатилган чойнак ва пиёлаларни, павильоннинг кўп қаватли жавонларида эса кўплаб чиройли ўйинчоқларни кўриш мумкин эди. Бу ерда Америка буғ станоги ҳам кўйилган эди. Тошкентнинг йирик фабрикантлари маҳсулотлари — Захо мануфактураси. Пугасов винози, Первушин папироси ва тамакиси намуналари кўйилган эди.

Виставка анча кенг бўлган. Россиянинг қолоқ ўлкаси ҳисобланган Туркистон фахрлана оладиган мувaффақиятлар, афсуски, оз эди. Масалан, 1868 йилда Тошкентда бор-йўғи бештa вино-тамаки заводи, биллакашлик фабрикаси, иккита тегирмон, қўшхона, битта темирчилик муассасаси, иккита дурадгорлик устахонаси бўлган. Ўн йилдан сўнг чўян қуюв заводи пайдо бўлди. Аммо у ишлатмасдан қолиб кетди. 1890 йилда эса Пушкин кўчасида гугурт фабрикаси очилди.

Мана, энди ўша йилнинг виставкаси ҳикоя қилиши мумкин бўлган муваффақиятлар ҳақида тасаввур қиларинг.

Революциядан кейин Тошкентда ҳар хил виставкалар, кўриклар тез-тез ўтказила бошланди. Республика саноати йилдан-йилга куч-гайратга тўлиб борди. 1939 йилда тошкентликлар СССРнинг бўлажак бош виставкаси — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигининг 1 августда Москвада очиладиган виставкасига боғ ва полиз ҳосилларидан намуналар жўнатишди. Кейинчалик Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида Ўзбекистон ССРнинг алоҳида павильони очилди, республикамиз бутун мамлакатимизга саноат, фан ва маданият соҳаларида эришган ютуқларини намойиш қилди.

1957 йил. Бутун мамлакатимиз Улуғ Октябрь революциясининг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган давр. Ўзбекистон пойтахтида ҳозирги республика халқ хўжалиги ютуқларининг доимий ишловчи виставкасини очишга қарор қилинди. Дастлаб уни Чигатойга жойлаштиришни мўлжаллашди. Унга келиб тутташган кўча Виставка кўчаси деб ном олди, трамвай ва троллейбус линиялари ўтказилди.

Энди «Товушли Ленинном» пластинкалари юздан ошиб кетди. Унда доҳий нутқларининг 1919—1921 йилларда ёзиб олинган пластинкалари алоҳида ўрин олади.

Граждан уруши йиллари. Қоғоз етишмасди. Газеталар жуда оз нусхада нашр этиларди. «Правда» газетаси жигарранг-кепак қоғозда босилар эди. Айни вақтда мамлакатда салкам ярим миллион граммофон бор эди. «Музикали қути» Россиянинг энг олис жойларига ҳам етиб борган эди. В. И. Ленин марказий матбуот бошқармасининг ходимларига агитация ва пропаганда ишлари учун граммофон ёзувларидан фойдаланишни тавсия этди. Владимир Ильич партия раҳбарларидан биринчи бўлиб товуш ёзиш аппарати ёнига боради. 1919 йил 29 мартда унинг «III Коммунистик интернационал» ва «Қизил армияга мурожаат» деган нутқлари биринчи бор ёзиб олинди. 1919 — 1921 йилларда ҳаммаси бўлиб дoҳийнинг 19 нутқи ёзилди.

Ленин, партиянинг бошқа раҳбарлари нутқлари ёзилган пластинкалар халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Бу пластинкалар ўша замонларда мисли кўрилмаган тиражда чиқарилди ва даҳол тарқалиб кетди. Ишчилар, деҳқонлар, қизил аскарлар Ильичнинг ўз сўзини эшитишга шу қадар муштоқ эдилар.

Товуш ёзиш техникаси мукаммал бўлмаганлиги сабабли пластинкалардаги овоз унчалик тиниқ чиқмас эди. Шовқин, шатир-шутурлар сўзларни, бутун-бутун ибораларнинг равшан эшитилишига ҳалақит берарди. 1934 йилда оғир саноат халқ комиссарлиги грампластинка трести марказий лабораториясининг бир гуруҳ ёш олимлари ва мутахассислари В. И. Ленин товуши ёзувларини қайта тиклашга киришдилар. Эски пластинкалар, ишлаб чиқариш жараёнида жуда сийқа бўлиб кетган матрицалар тўпланди. Синчковлик билан қилинган иш кўпгина нуқсонларни йўқотишга ёрдам берди. Ёзувларни қайта тиклашнинг биринчи босқичи 1938 йилда тугалланди. Шунинг натижасида Владимир Ильичнинг уч нутқи ёзилган иккита пластинка чиқарилди.

Урушдан кейин В. И. Ленин Марказий музейининг топшириғи билан Бутуниттифоқ товуш ёзиш илмий-тадқиқот институтини қайта тиклаш ишларининг иккинчи босқичи бошланди. Мутахассислар овоз ёзилган юз метрли лентанинг ҳар миллиметрини кўздан кечириб, нуқсонларини тугатдилар. Шовқин ва шитирлашларга барҳам берилди. Нуқсонларни тугатиш учун янги техника яратилди.

В. И. Ленин нутқлари ёзувларининг 140 дан ортиқ варианти тайёрланди. Бу вариантлар энг мўътабар экспертларга — йўлбошчининг сафдошларига, партиянинг кекса аъзоларига эшитиб кўриш учун берилди. Улар энг яхши вариантни таилаб олишга ёрдам бердилар. Шу тариқа жонли Ленин нутқи янграйдиган бўлди. Унинг овози оғир, вазмин, юмшоқ эканлиги, баъзи бир актёрлар Ленин ролини ўйнаганида экрандан гапиргани кўра анча фарқ қилиши маълум бўлди.

Тадқиқотчилар ва инженерларнинг салкам ярим асрлик меҳнати туфайли В. И. Ленининг ўнта нутқи ёзилган узоқ айланувчи пластинка бунёдга келди. Бу иш 1979 йилда СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Бутуниттифоқ телевидение ва радио эшиттириш илмий-тадқиқот институтининг, Давлат радио эшиттириш ва товуш ёзиш уюшмаси Бутуниттифоқ граммофон ёзувлари студиясининг мутахассислари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ходимларининг илмий раҳбарлигида Ленин овозини абадий сақлаб қолишга эришдилар.

А. СИВЦОВ,
ТАСС мухбири.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан

ИЛЬИЧНИНГ ЖОНЛИ ОВОЗИ



В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали коллективи доҳиймиз туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб нишонлашга катта ҳозирлик кўрмоқда.
СУРАТДА: музей залларидан бирида.

М. Нуриддинов фотоси.

САНЪАТНИНГ сеҳрли олами — МУЗИКА ЛЕКТОРИЙСИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ва Тошкент Давлат консерваторияси ташкил этган музика лекторийсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Бу гал тингловчилар Глинка, Чайковский ва Шостаковичнинг асарлари билан таништилар. Уч буюк композиторнинг асарлари ғоятда муҳим даврни, яъни, XIX асрнинг ўрталаридан бизнинг давримизгача бўлган тараққиёт босқичини ўзига қамраб олган. Бу ҳақда консерватория ўқитувчиси Г. В. Кузнецова батафсил сўзлаб берди.

Консерватория студентлари Д. Аҳмедов, Х. Бақоев, Е. Зубань, Д. Сафарова ва бошқалар буюк композиторларнинг асарларидан парчалар ижро этишди. Айниқса, педагог М. Султонова Чайковскийнинг «Ҳаёллар» асарини маҳорат билан ижро этди.

Лекция ва концерт тингловчиларга ғоят манзур бўлди.

Лекторий машғулотлари музика маданиятини кенг тарғиб этишда, тингловчиларнинг эстетик дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил бўлянти.

Ҳаётимиз ҳузматида — МЕБЕЛЬ КЕРАК БЎЛСА

Агар Сизга уй-рўзғорда асқотадиган турли мебеллар керак бўлса шаҳримизда аҳоли буюртмаси бўйича шундай кенг истеъмол буюмлари тайёрлаб бераётган корхонага мурожаат қилишингиз мумкин. У Қорасарой кўчасидаги 282-«а» уйда жойлашган маиший рўзғор жиҳозлари ва мебеллари комбинатидир. Бу комбинатда ҳозирги пайтда 28 хилдан зиёд буюм тайёрланмоқда.

Ҳамшаҳарларимиз ға қулайлик яратиш мақсадида комбинатнинг Тошкентнинг турли районларида салонлари ташкил этилган. Ҳозирги пайтда бундай салондан олтитаси тошкентликларга хизмат кўрсатмоқда.

Хўш, бу салонлар қаерда жойлашган? Шулардан бири Луначарское шоссесидаги 59-уйда жойлашган. Бундай ташқари шаҳримиздаги Олой, Куйбишев, Октябрь, Юнусобод, Кўкча бозорлари территориясида ҳам ана шундай мебель салонлари жойлашган.

• Фан ва техника оламида — БИЧИШ ВА ТИКИШ МАТЕМАТИКАСИ

Машинасозликда деталь ва бўғинларнинг мураккаб юзаларини ҳисоблаб чиқишда қўлланиладиган математик усуллар кийим-кечакларни конструкция қилишда ҳам жуда кўл келади. Буни Москва авиация институтининг аспиранти М. Ерошованинг иши, яна бир бор тасдиқлади. У инсон қоматининг математик тавсифи ва кийимнинг турли элементларини конструкция қилишнинг универсал усулларини яратди. Янги усул бе радиган иқтисодий фойда ишлаб чиқариш ходимларини ўзига жалб этди. Артёмовск тикувчилик фабрикасининг (Донецк области) мутахассислари ёш олим ишламасини биринчи бўлиб жорий этдилар.

РОБОТ–ҚУЮВЧИ

Роботлар ҳозир кўп ишларни бажара олади. Яқинда Харьков мутахассислари мамлакатимизда биринчи бўлиб роботни — чўмичли портал манипуляторни — суюқ металл билан боғлиқ операцияларни бажаришга мослаштирдилар.

Ихтисослаштирилган робот чўмични печга туширib, лаборатория анализи учун намуна олиши мумкин. Агар қотишма, масалан алюминий ёки руҳ қотишмаси, тайёр ва техник шартларга мувофиқ бўлса, манипулятор чўмичга керакли дозани (на кам, на ортиқ) олиб, уни тарқатиш печидан босим остида қуйиш машиналарининг пресслаш камерасига узатади.

Бундай робот одамларни иссиқлик ва газлар чиқадиган зоналарда ишлашдан озод қилишдан ташқари, эритилган хом ашёни агрегатларга мунтазам равишда узатиш жараёнини ҳам анча тезлаштиради. Автоматик миқдорлаш натижасида металл нобудгарчилиги анча қисқаради.

Уй-рўзғор ташвишида — КИСЛОТА ТОМЧИСИ ТОМГАНДА

Кислоталар минерал кислотага (сульфат, хлорид, нитрат кислоталар) ва органик кислотага (лимон кислотаси, сирка кислотаси, оксалат кислота, майтош кислотаси) бўлинади.

Минерал кислоталар газламани, айниқса читни ва зиғир толасидан тўқилган газламаларни куйдиради. Шу сабабли киймнинг кислота сачраган жойларини дарҳол ичимлик сода ёки новшадил спирти эритмаси (бир стакан сувга бир чой қошиқ солинади) ёки фақат сув билан ювиш керак.

Сирка кислотаси асосан ацетат ипакка, шунингдек, баъзи газламаларнинг рангига ёмон таъсир этади. Газламадаги кислота томчиси сув билан ювиб ташлангунга қадар газламани совунлаб ювмаслик керак, чунки совун парчаланиши натижасида газламада ёғ доғлари ҳосил бўлади.

ТАБИАТ ВА ИНСОН — «Жайрон» операцияси

Туркманистоннинг жанубий-шарқида уч ҳафтадан зиёд давом қилган операция натижасида жайронларнинг катта подаси халокатдан қутқариб қолинди.

Қорақум чўлининг бу районида камдан-кам бўладиган қаттиқ совуқ ва кўп қор ёғиши натижасида жайронлар хавф остида қолди. Баъзи жойларда қалинлиги қирқ сантиметргача борадиган қор йигирма минг квадрат километр майдондаги яйловни қоплади. Шундай қилиб, ҳайвонлар овқатсиз қолди, табиий пана жойлар уларни совуқ ва бўронлардан қутқариб қололмасди.

Жайронларни қутқариш операциясида ўрмон хўжаликларининг ходимлари, чўпонлар, колхозчилар қатнашдилар. Жайрон йиғиладиган жойлар ҳаводан туриб аниқланди ва жойларга автомобиль ва вездеходларда ўнлаб тонна ем-хашак келтирилди. Ҳайвонлар учун махсус пана жойлар қурилди.

Шундай қилиб жайронлар бир ойча одам муҳофазасида бўлди. Кунлар исиб бошлаши билан улар Қорақумнинг ички районларига кириб кетди.

Жайронлар чўлнинг Қизил дафтарига киритилган нодир, гўзал ҳайвонлардир. Уларни давлат муҳофаза қилади. Одамларнинг қайғуриши туфайли Туркманистонда уларнинг сони анчагина кўпайиб қолди.

В. КРАШЕНИННИКОВ,
ТАСС мухбири.

КОСМОСДАГИ ЖАСОРАТГА БАҒИШЛАНДИ

СССР Алоқа министрлиги инсон очиқ космосга илк бор чиққанлигининг 15 йиллигига бағишлаб почта блокини чиқарди.

Блок марказидаги маркада очиқ космосдаги совет космонавти тасвирланган. Блокнинг чап қисмида чиқиш туйнуги очиб қўйилган йўлдош кемани космик фазода кўрасиз. Янги почта маркасидаги суратни СССРнинг космонавт-учувчиси А. А. Леонов ишлаган. У бундан ўн беш йил муқаддам космонавт П. И. Беляев бошқарган «Восход-2» кемасидан очиқ космосга чиққан эди.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Съездга тайёрланмоқдалар

БУДАПЕШТ. Чепель металлургия ва машинасозлик комбинатининг коммунистлари ва бутун коллективи республика меҳнатлашлари қаторида социалистик Венгрия ҳаётида тарихий воқеа — ВСИП XII съездига тайёргарлик кўрмоқда.

«Қизил Чепель»да ўтган беш йиллик мобайнида станоклар ва технология ускуналари, прокат, пўлат трубалар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Жаҳоннинг энг яхши намуналари даражасида турган маҳсулотнинг улуши 18 процентдан 51 процентга етди. Кўпгина цехларда янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. «Чепель» комбинати фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди.

Кема сувга туширилди

БЕРЛИН. «Варнов-Верфт» кемасозлари ясаб, совет буюртмачиларига топширган янги юк кемаси узра Советлар мамлакатининг Қизил байроғи ҳилпирай бошлади. «Степан Разин» номи берилган бу 162 метр узунликдаги гигант 20 минг тонна ҳар хил юкни қабул қилиши мумкин.

Кема замонавий навигация ускуналари ва шимолий денгизда бемалол сузишни гарантиялайдиган бошқа энг муҳим механизмлар билан жиҳозланган.

Ҳамиша навқирон майдон

ПРАГА. Бинокорлар Чехословакия пойтахтининг жамоат, маданий ва савдо маркази — Вацлав майдонини реконструкция қилишнинг янги босқичига тайёргарлик кўрмоқдалар. Метро учинчи линиясининг яқинда ишга туширилиши бу майдон устидаги серқатнов йўлни бўшатишга имкон беради.

Вацлав майдони қанақа бўлади? Праганинг марказий майдони қандай бўлиши бир неча ой мобайнида муҳокама қилинди. Пойтахт аҳолиси билан ўтказилган савол-жавобларда, шунингдек газетхонларнинг «Вечерни Прага» газетаси саҳифаларида эълон қилинган фикрларда батафсил ва лўнда, реал ва нореал мингминглаб таклифлар билдирилди. Бу таклифлар ва фикрлар жонажон шаҳар тўғрисида ҳамманинг самимий ғамхўрлигини ифода қилди. Мана шу таклифларни ҳисобга олган ҳолда майдонни реконструкция қилишнинг бош плани тузиб чиқилмоқда.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ОШМАДИ

ПРАГА. Мaочиларнинг ҳукмронлиги йилларида Хитой ишчиларининг турмуш даражаси ошмади, уларнинг иш ҳақи 50-йилларнинг ўрталаридаги даражада қолди, бироқ тирикчилик ҳаражатлари анча кўпайди, деб ёзади Чехословакия касаба союзларининг «Праце» газетаси. Ишсизлик Хитойдаги энг катта социал муаммо бўлиб қолди, дейилади мақолада. ХКП Марказий Комитетида ўтган йил кўкламида бўлиб ўтган кенгашда шаҳарларнинг ўзидаги жами ишсизлар 20 миллион киши эканлиги хабар қилинган эди.


Хитой раҳбарлари тақминан 50—60 миллион кишини ишчилар категориясига кўшади, аммо ишчилар синфи сунъий равишда давлат секторининг «имтиёзли ишчиларига ва кооператив фаолият соҳасида машғул бўлган ишчиларга бўлиб кўйилган. Уларнинг иш ҳақи ва социал таъминот даражаси бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Бундан ташқари Хитойда меҳнаткашларнинг энг кам ҳақ оладиган категориясига мансуб бўлган ишчилар ҳам, деҳқонлар ҳам бор. Мана шу алоҳида категория деган ибора остида Хитойдагилар қишлоқдан келган арзон ишчи кучидан корхона ва қурилишларда «вақтинчалик ишчилар» сифатида фойдаланишни тушунадилар. Ана шу алоҳида категориядан ХХР экономикаси дуч келиб турган кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этиш воситаларидан бири сифатида фойдаланилмоқда.

Бошқа Хитой меҳнаткашлари каби ишчилар ҳам ўзлари учун иш ёки касбни ўзлари танлаб олишлари мумкин эмас. Уларнинг ҳамматалари сафарбар этилган деб ҳисобланади. 40 миллион эр-хотин алоҳида-алоҳида туришга мажбурдирлар, чунки одатда эркаклар ўзларини ишга юборилади, деб ёзади «Праце» газетаси.

Маоизмнинг дахлсиз қолдирилган элементлари бутун аҳолига ҳам, шу жумладан ишчилар синфининг аҳволига ҳам айниқса ҳалокатли таъсир қилмоқда. Хитойнинг ҳарбий бюджети тинимсиз кўпайиб боряпти, ғарбдан қуроллар сотиб олиш тўғрисида неча миллардли шартномалар тузилаётганлиги, ниҳоят, Вьетнам Социалистик Республикасига қарши қилинган қуролли агрессия мана шулар жумласига киради. Бундай сиёсат Хитой меҳнаткашларига кетма-кет қурбонлар ва махрумликлардан бошқа ҳеч нарса келтираётгани йўқ.

Пекин Хитой касаба союзларига корхоналардаги, айниқса ишчилар ўз аҳволидан норозилик билдираётган жойлардаги «тартиб»ни сақлаш устидан назоратчи ролини ажратиб берган, деб ёзади сўнгра газета. Умумхитой касаба союзлари федерациясининг фаолияти қайта бошланганидан аслида меҳнатни интенсивлаш учун фойдаланилмоқда. Касаба союз ташкилотларида миллатчилик ва шовинистик тарғибот кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу ташкилотлар ишчиларни «занглмайдиган винтчалар»дан иборат итоатгўй оммага, ҳарбий-бюрократик режимнинг ювош, ҳуқуқсиз ўйинчоғига айлантириш йўлини амалга оширишлари лозим.

Халқаро майдонда, деб таъкидлайди «Праце» газетаси, Хитой касаба союзлари аввало революцион тараққийпарвар ишчилар ҳаракатига қарши турувчи қандайдир «умумий фронт» тузишга ҳаракат қилаётган ғарбдаги реакцион касаба союз марказлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар.



ҲИНДИСТОН. Аурангобод ғорлари мамлакат ўтмиши ҳақида кўп нарсаларни ҳикоя қилиб бериши мумкин. Эрамиздан 300 йил олдин буддаистлар яшаган бу ғорларда аҳоли истиқомат қилган. Туристлар ҳозир уларни катта қизиқиш билан зиёрат қиладилар.

У. Муҳамедова ва Ш. Каримов фотоси.

Халқ хўжалиги учун

АДДИС-АБЕБА. Мамлакат халқ хўжалиги учун юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида ўрта ва олий ўқув юртларининг кенг тармоғини вужудга келтириш — халқ маорифи системасини ривожлантиришнинг бош йўлидир, деди бу ерда Эфиопия маориф министри Гошу Вольде. Республика ҳукумати, деб таъкидлади у, мамлакатнинг ҳар бир граждани зарур билимларни олишини таъминлайдиган тадбирларни кўрмоқда.

Марксизм - ленинизм асосларини ўрганиш — ўқув программаларининг муҳим қисми бўлади, бу эса Эфиопиядаги янги жамият бўлажак бинокорларининг ғоявий-сиёсий онгини оширишга, билим доирасини кенгайтиришга имкон беради, деб уқтирди министр.

Ман этилди

ҚОҲИРА. Бу ерда олинган маълумотларга кўра, Исроил ҳарбий маъмурлари Қуддуснинг босиб олинган шарқий секторида араб университетини таъсис этишни ман қилдилар. Бу олий ўқув юртини ташкил этиш тўғрисида шу йил январь ойида қарор қабул қилинган эди.

Араб университетини таъсис этишнинг ман этилиши Исроил маъмурларининг ўзлари босиб олган территориядаги туб аҳолини камситиш йўлида қўйган янги қадамидир.

Хотин-қизлар камситилмоқда

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда эркаклар билан хотин-қизларнинг иш ҳақидаги тафовут қисқармаяпти. «Медикл экономикс» журнали америкалик врачлар ўртасида ўтказган текшириш натижаларини мана шуни яна бир карра кўрсатди. Журнал маълумотларига кўра, эркак врачлар билан аёл врачларнинг даромадлари ўртасидаги тафовут 41 процентга боради. Мана шу рақам 1974 йилдан бери ўзгармай келмоқда.

физкультура ва СПОРТ

Спортчиларимиз сафарда

Республикамиз боксчилари Бутуниттифоқ студентлар беллашувларида азалдан яхши қатнашиб келишди. Улар учрашувларни йиғинчоқлик ва ҳужумкор рухда ўтказиб совринли ўринларни эгаллаб келаётганликлари бунинг далилидир. Яқинда Гродно шаҳрида «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти марказий Советининг биринчилиги учун ўтказилган беллашувда ҳам республикамиз вакиллари норасмий командa ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Бу муваффақиятнинг қўлга киритилишига М. Мирахмедов, З. Бахтиёров сингари тошкентлик боксчилар муносиб ҳисса қўшдилар. М. Мирахмедов ўз вазн тоифасидаги беллашувларни яхши ўтказиб, кумуш медаль билан тақдирланди. З. Бахтиёровга эса бронза медали топширилди.

* * *

Тбилиси шаҳрида машҳур спортчи И. Поддубний хотира совғини учун классик кураш бўйича ўтказилган XIX турнирда тошкентлик спортчи Ч. Фаткуллин муваффақиятли қатнашди. 52 килограммгача оғирликда бўлган полвонлар беллашувида қатнашган ҳамшаҳаримиз барча олишувларни ғалаба билан якунлаб, олтин медаль билан тақдирланди.

* * *

Қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган аёллар командалари учинчи тур учрашувларини ниҳоясига етказишди. Тошкентнинг «Текстильшчик» командаси сўнгги учрашувни Кишинёвнинг «Динамо» командаси билан ўтказди. Ҳамшаҳарларимиз бу сафар ҳимояда аниқ ҳаракат қилиш билан бирга тезкор ҳужум уюштиришга алоҳида эътибор бердилар. Улар рақибларининг дарвозасига 29 марта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 16 марта тўп олишди. Бу ғалаба, «Текстильшчик» командаси қизларига олий лигага йўлланма олиш учун курашадиган кучли олти коллектив сафидан жой олиш имконини берди.

Физкультура коллективларида

Натижа яхшиланяпти

Ўтган йили физкультура ва спортни оммалаштириш борасида амалга оширилган ишлар самарали бўлди. Разрядли спортчилар ва жамоатчи судьялар ҳамда ГТО нишондорлари тайёрлаш бўйича белгиланган вазифалар эрта билан удаланди. Бунда Аркадий Либус, Геннадий Ботман сингари тренер ва ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ёш спорт ихлосмандларининг камол топиши учун кўрсатилган ғамхўрлик туфайли теннисчи Фурқат Ражабов, сузувчи Александр Яблонский СССР спорт мастерлигига номзод нормативини бажаришга муваффақ бўлишди.

— Бу йил,— деди бизга қурилиш техникумидаги етакчи тренерлардан бири Г. Ботман.— мамлакатимиз пойтахтида XXII ёзги Олимпиада ўйинлари ўтказилади. Бу ҳамма учун синовдир. Шу боисдан ҳам катта вазифалар белгиладик. Мақсадимиз 501 оммавий разрядли, 6 биринчи ва иккинчи разрядли спортчи, 96 жамоатчи судья ва кўплаб ГТО нишондори тайёрлашдир.

Йил бошидан белгиланган режаларни амалга оширишга киришдик. Дастлаб группалар ва бўлимлар ўртасида спортнинг турли турлари бўйича баҳслар ташкил қилдик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ғолибларни аниқлашга талабчанлик билан ёндошилди. Натижада уларнинг маҳорати ошди. Бу нарса В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилган район спартакиадасида яхши қатнашишга шароит яратди. Жумладан, волейбол бўйича қизлар ва ўсмирлар командамиз фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 1000 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган пойгада вакилимиз Ольга Розова биринчи бўлиб маррага етиб келди. Ольга Зайнулина, Елена Родионова, Нелли Фасахова ҳам енгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда совринли ўринни эгаллашди.

Техникумда физкультура ва спортни оммалаштириш учун шароит етарли. Бу ердаги волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, кураш, шахмат секцияларида машғулотлар белгиланган график асосида олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам ўқув юрти спортчилари эришган натижалар яхшиланяпти.

Х. ИНОҒОМОВ.

Ёшлар баҳслашишди



СУРАТДА: узунликка сакраш бўйича ўтказилган беллашув ғолиби, 176-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси А. Усмонцев.

Б. Натанилов фотоси.

«Пахтакор» Марказий стадионида ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг енгил атлетика бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бу беллашувлар спартакиада программаси доирасида ўтказилди.

Ғолиблик учун бўлган беллашувларда шаҳримиздаги 42-ҳунар-техника билим юртидан 430 енгил атлетикачи қатнашди. Келажакда ошпаз, силлиқловчи, проходкачи, фотосуратчи, электр монтажчи ва официант касбини эгаллайдиган ёшлар енгил атлетика йўлкалари ва секторларида бор маҳоратларини намойиш қилишди. Беллашув натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчилар ўз касбларининг сирларини пухта ўзлаштириш билан бирга, спорт соҳасидаги маҳоратларини ҳам тинмай ошириб бориш имконига эга.

Қизлар ўртасида 100 метр масофага тез югуриш бўйича ўтказилган мусобақада жуда кўп спортчи қатнашди. Кескин беллашувлардан кейин маррага биринчи бўлиб 9-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Н. Рясова етиб келди. Унинг ҳамкурси В. Курганин эса 200 ва 400 метр масофага ўтказилган мусобақада ғолиб чиқди.

Ғолиблик учун бўлган беллашувларда шунингдек, Тошкентдаги ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам қатнашдилар. 246-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Е. Содикова айниқса яхши натижага эришди. У 800 метр масофага ўтказилган мусобақада маррага биринчи бўлиб келди.

САФ КЕНГАЙМОҚДА

— Мактабга ўз касбининг устаси бўлган Мирзоҳид Расулов ва Мирҳосил Неъматовлар ўқитувчи бўлиб келишди-ю, спорт ишлари жонланиб кетди, — дейди директор Муҳаббат Назарова мамнуният билан.

70-ўрта мактабнинг спорт залига кирар экансиз жисмоний тарбиянинг фойдаси ҳақидаги турли плакат ва панноларга кўзингиз тушади. «Олимпиада-80» деб номланган стендда эса мамлакатимиз ва республикамизда спортнинг тараққиёти ҳақида қизиқарли фактлар тўпланган. Мактабдаги баскетбол, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика тўгаракларида машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, аниқ план асосида ўтказилаётган машқ ва беллашувлар ёшларнинг маҳоратларини чархламоқда. Баскетбол бўйича республика ёшлар терма командасининг аъзолари Аъло ва Ботир Аъloевларни спорт шинавандалари яхши билишади. «Ёш куч» Марказий Советининг бокс бўйича ўтказилган биринчилигида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган 9-синф ўқувчилари Игорь Белоус, Игорь Ким, Улугбек Қозиев, Рустам Еқубовлар тренер ва ўқитувчиларнинг ишончларини тўла оқлашди. Илҳом Аҳмедов, Равшан Имомбоев, Дамир Абдураҳмоновлар эса спорт турлари бўйича ўтказилган район ва шаҳар биринчилигида совринли ўринларни эгаллашди. Яқинда баскетбол ва шахмат бўйича бўлган район биринчилигида мактаб спортчилари ғолибликни қўлга киритишди.

Қисқаси, мактаб педагогика коллективи спортни ўқувчиларни камол топтиришда муҳим восита деб қарамоқда. Шу боисдан ҳам бу ерда маҳоратли ёшларнинг сафи кенгайиб боряпти. Улар дарсларни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда маҳорат чўққиси томон дадил одимлашмоқда.

С. СУЛТОНОВ.



МАШИНА ИМТИҲОН ОЛАДИ

Корхона ходими хавфсизлик техникаси қоидаларини ишлаб чиқаришда жорий этиш ва фойдаланишни яхши ўзлаштирдими? Аввал бундай саволга «Андижанэлектросеть» корхонасининг махсус комиссияси жавоб берар эди. Энди «Аккорд» ва «ЭОМ» маркали машиналар имтиҳон олади. «Ишга киришган» бу аппаратлар уч ой мобайнида 800 кишининг билимини текширади.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройи қошида турли тўгараклар ишлаб турибди.

СУРАТДА: вокаль-чолғу коллективи репетиция пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

БЎРИ ҒАЛАСИ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Кўпни кўрган овчи Дмитрий Гончаров кўриб туриб кўзига ишонмади: ундан атиги бир неча метр наридаги сайхонликка бирдан бутун бир бўри ғаласи чиқиб қолса бўладими. Улардан қочиб ёки дарахтга чиқиб улгуриб бўлмасди. Йиртқичлардан бири Гончаров сари ҳамла қилиб қолди. Овчи чаққонлик қилиб тикка отиб ташлади. Иккинчи ўқи ҳам қоқ нишонга тегди. Шундан сўнг йиртқичлар бирмунча фурсат саросимага тушиб қолди. Милтиқни ўқлаб олиш учун ана шу фурсат кифоя эди... Кейинчалик аниқланишича, Березовка қишлоғидан бўлган бу овчи учта уруғчи бўрини ер тишлаттирибди.

Белоруссия овчилар ва балиқчилар жамияти область кенгашининг овшуноси В. Самусев бу воқеани шарҳлаб:— Могилев областида бўрилар кўпайиб кетди,— деди.— Яқин ўтмишда бўрига «ўрмон санитари», деган нотўғри қараш ҳам бунга маълум даражада таъсир қилган бўлса керак, деб ўйлайман. Ана шундай қилиб «санитар» каттакон зарар етказмоқда. Ҳуллас, йиртқичга қарши қатъий ҳужум бошлашга тўғри келди. Областдаги ҳар районда бир-иккитадан 27 махсус бўри овловчи бригадалар тузилди. Область кенгаши ўрмон хўжалиги бошқармаси билан бирга бўрилларга қарши уч ойлик кураш эълон қилди. Овчиларнинг чаққон бригадалари ҳар бир сигнални ҳам эътибордан қолдирмай ўша жойга дарров етиб бораришди. Шу йўл билан 340 тага яқин бўри қириб ташланди.

(ТАСС).


Славгород, Могилёв области.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ЯНГИ «УНИВЕРСАМ» ОЧИЛДИ

(Чилонзор массиви, 19-Д-квартали)



БУ—ТОШКЕНТЛИКЛАРГА АЖОЙИБ СОВҒА БЎЛДИ!

«ГАСТРОНОМ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ СИСТЕМАСИДА БУ УНИВЕРСАМ ЭНГ ЙИРИК САВДО КОРХОНАСИ ҲИСОБЛАНАДИ.

1.040 квадрат-метр майдонни ишғол этган савдо залида бир йўла бир неча магазин жойлашиши мумкин! Универсамнинг умумий майдони—3500 квадрат-метр! 10 кассир-контролёр электрон-касса аппаратлари ёрдамида 10 минутда ўн харидорга хизмат кўрсата олади.

Савдо заллари дид билан замонавий услубда жиҳозланган. Деворларига ўйма металл суратлар, чиройли кошинлар ишланган. Еруғ электр кўрсаткичлар Сизни истаган бўлимингизга олиб боради.

Атторлик бўлимидан Сиз: тароқ, совун, хўжалик сеткаси, полиэтилен халта, гулдор нон идишлар, мева ва конфетлар соладиган идишлар харид қилишингиз мумкин.

«Ҳаммаси уй бекалари учун» бўлимида — това, гўшт қиймалагич, дазмол, вентилятор, «Экспресс» кофедон, термос, электр шнурлари ва бошқа буюмлар бор.

ПЕШТАХТАЛАРДА ХИЛМА-ХИЛ МАҲСУЛОТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

«Ставрида», «Скумбрия», «Сардини», «Килька», «Минтай», «Нваси», «Салака», «Мойва» томат соусли балиқ консервалари;

«Здоровье», «Малиш» гуручли, гречкали, буғдой унидан тайёрланган сут қоришмалари, болаларнинг тўйимли «Инолак» аралаш озуқалари бор;

сабзавот консервалари, томат, узум, олма, сабзи шарбатлари;

олма, ўрик павидлоси; соуслар, овқатни лаззатли қиладиган масаллиғлар, картошка, пиёз;

ўсимлик мойи, пахта мойи, угра, вермишель, макаронлар, гуруч, манний крупа, шакар;

торт, шоколадли ва мевали конфетлар, миллий ширинликлар, пряниклар, печенье, сухари, кофе, «Летний», «Балтика», «Ячменний» кофе ичимликлари.

Очиқ контейнерларда—туз, чой, шакар-қанд, гуруч, лавр барги.

Харидорлар кириш биланоқ корзина ёки аравача олиб шошилмасдан бўлимларни айланиб чиқишлари ва ўзларига керакли маҳсулотларни танлашлари мумкин.


МАГАЗИН ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УСУЛИДА ИШЛАЙДИ.

Универсам замонавий савдо ускуналари, музлатиш камералари, кондицион қурилмалар, кучли лифтлар билан жиҳозланган, омборхоналари бор.

УНИВЕРСАМ БИР КУНДА 1500 КИШИГА ХИЗМАТ КЎРСАТА ОЛАДИ.

Универсам ҳар куни, дам олиш кунисиз соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача, якшанба куни—соат 8.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Универсамга 50, 78-автобусларда («Универсам» бекатигача) борилади.



«Гастроном» Ўзбекистон республика контораси.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — —21/III да **Қизил дуррали нозик ниҳолим**, 22/III да **Сув келтирган азиз**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Можаро** (18.00), 22/III да **Ишқ қурбонлари** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22/III дан бошлаб ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида **«ШЕРЛАР ОРАСИДА»** аттракциони иштирокида **«ЧЕБУРАШКА ВА ТИМСОҲ ГЕНАНИНГ ЦИРИДАГИ ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТЛАРИ»** болалар учун қувноқ томошалар (11.00, 14.00, 17.30).

КИНО

21 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АФСОНАВИЙ ПРЕСНЯ»—Тинчлик.

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН», «ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЛЕНИН» — Навоий номли.

«ИНҚИЛОБ САРКАРДАСИ» — Пионер.

КИНОЛЕНИННОМА

«ИНҚИЛОБ ПОЕЗДИ» — Искра (19.45).

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ПОЛЯКЛАР»— ВЛКСМ 30 йиллиги номли (20.00).

«АППАССИОНАТА» — Дружба (20.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРТАЛАБКИ КЎРИК»— Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«КЎЗГИ МАРАФОН» — Искра (16, 18, 19.45).

22 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АФСОНАВИЙ ПРЕСНЯ»— Тинчлик.

«БУ ЕРДА ЛЕНИН ЯШАГАН»— Фестиваль (11.00).

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН», «ҚАЛБЛАРИМИЗДА ЛЕНИН» — Навоий номли.

«ИНҚИЛОБ САРКАРДАСИ» — Пионер.

КИНОЛЕНИННОМА

«РЕВЕЛЛИК АВГУСТ»— Искра (14.00).

«ИНҚИЛОБ ПОЕЗДИ»— Искра (19.45).

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ПОЛЯКЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги ном. ли (20.00).

«ДИВИЗИЯ БОШЛИҒИ АЗИН»— Москва (13.00).

«АППАССИОНАТА» — Дружба (20.00).

«НЕВА ЧЕҒАРАСИ» — Ҳамза номли (16.00).

«УМИД»— Нукус (10.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭРТАЛАБКИ КЎРИК»— Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«КЎЗГИ МАРАФОН»— Искра (16, 18, 19.45).

РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

апрель ойида намойиш қилинадиган спектакларга

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШНИ БОШЛАДИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси магазинлари **23 да 30 март якшанба кунлари**

ОДАТДАГИДЕК ИШЛАЙДИ

Сиқилган газдан фойдаланувчи Ленин районидаги абонентлар

ДИҚҚАТИГА

ЛЕНИН РАЙОН ГАЗЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ СИҚИЛГАН ГАЗЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ АБОНЕНТ БЎЛИМИ ЯНГИ ЖОЙГА КЎЧГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

1 АПРЕЛДАН АДРЕСИ ЎЗГАРАДИ

Ленин район, Полторацкий кўчаси, 55-уй. 33-34-28 телефони бўйича сиқилган газ учун буюртмалар қабул қилинади;

33-49-76 телефони бўйича авария заявкалари қабул қилинади.

«ТАШГАЗ» бирлашмаси.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти томонидан **Тоҷилова Санобар** номига берилган 959551 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 200-мактаб томонидан **Ҳамидов Суннат** номига берилган 462543 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бухоро область Қоракўл районидаги 44-мактаб томонидан **Қодиров Андақули Сатторович** номига берилган 540638 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатинг— иқболинг». Кинопрограмма: «КамАЗ учун линия» (Минск), «Трассани кўряпман» (Фрунзе), «Чехоев кўчасилик Чехоев» (Олмаота). 16.05 В. Моцарт. 35-ре-мажор симфонияси. Людвигсбург фестивалининг симфоник оркестри ижро этади. (ГФР). Дирижёр— В. Генненвайн. 16.30 «Москва ва москваликлар». 17.00 «Г. Отс ва опера». Фильм-концерт (Таллин). 18.00 «Мунозара— клуб». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «СССР халқ артисти Е. Образцова ижросида рус романслари». 20.05 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 20.20 «Антарктика қиссаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Р. Ғамзатов. «Оналарни эъзозланг». Поэма. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Чет эл эстрадаси. нинг куйлари ва оҳанглари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хат». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Зангори экран» почтаси. 19.30 «Ахборот» информацион программаси. 19.45 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. «Экранда доҳий образи». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Гулзорим менинг». О. Ғозиев ва М. Соҳибов концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Оламда нима гап». Ҳалқаро воқеалар шарҳи. 22.35 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Биология. «Оқсил биосинтези». 20.55 Ўқитувчилар учун консультация. 21.25 Абитуриентлар учун. Математика. 22.25 «Орқага йўл йўқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).

22 МАРТ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.45 «Моҳир қўллар». 10.15 «Антарктика қиссаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.55 «Ёшлик қўшиқлари». Фильм-концерт (Новосибирск). 12.20 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.50 «Музикали абонемент». Ёш опера ҳушиқчилари Л. Шемчук. 13.25 «Олимпиада —80» 14.10 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Сена— дарё —илҳом». Француз импрессионист-рассомлари н и г ижоди ҳақида 14.50 «Спортлото» тиражи. 15.05 «Дунё воқеалари» 15.20 Болалар учун. «Ура! Визларда каникул!». Бадиий фильм М. Горький номли киностудия. 1972 й. 16.30 «Муаммолар — изланишлар ечимлар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 17.30 «Святослав Рихтер хроникаси». Телевизион фильм. «Экран». 18.45 «Ҳайвонот оламида» Кўрсатувни Н. Н. Дроздов олиб боради. 19.45 «Цютихлик «гномлар» ҳузурида». Швейцария репортажи. Кўрсатувни автор—сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. 20.10 «Н. Толстой чалади». (Арфа). 20.20 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.10 Эстрада программаси. Кўрсатув тугагач (23,50)— Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 10.35 Телевизион миниатюралар театри. 11.20 Навоий номли Ўзбек Давлат академик Катта театрининг солисти Ж. Назруллаев концерти. 12.00 «Ўзбекистон Олимпия йилида». Спорт кўрсатуви. 12.30 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI халқаро кинофестивалига. «Учрашув жойи — Тошкент». Кинокўрсатув (рус.). 13.40 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 14.10 Теннис бўйича Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» стадионининг теннис кортидан репортаж (ёзиб олинган). 14.35 «Ота-оналар университети». 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Юлдузча» Болалар учун киноальманах. 19.00 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ассалом, наврўз!». Музикали программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ассалом наврўз!». Музикали программа (давоми). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ватангадолар». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.). 18.05 Кинокамера билан саёҳат. 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.40 «Табиат ва биз» (тожик тилида). 20,10 «Ахбор» информацион программаси. 20.30 «Дугонаҳо». Телевизион клуб. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, маҳаллий комитети ва бадиий-графика факультети коллективи расм кафедрасининг ўқитувчиси З. Ш. Сотиболдиевга онаси

Рисолат СОТИБОЛДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўрта Осиё темир йўлининг молия хизмати коллективи молия хизмати бошлиғининг ўринбосари Н. А. Аҳмаджоновга онаси

Босима Аҳмедовна МУРОДОВА-АҲМАДЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва варлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-58-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбат чилари— 33-90-50.

21 МАРТ, 1980 й. Р — 07140. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2094.